



КУНДАЛИК ҲАЁТ ТАРИХИ: ШАКЛЛАНИШИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ

C.Б. Шадманова

Тарих фанлари доктори, профессор

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Калит	сўзлар:	Аннотация:	Ушбу мақолада	жаҳон
кундалик ҳаёт “Анналлар” кундалик структура, микротарих, қўйидан тарих, Тарихий антропология, ҳаётий тарих.	тарихи, мактаби, структура, микротарих, қўйидан тарих, Тарихий антропология, ҳаётий тарих.	тарихшунослигига кундалик ҳаёт шаклланиши илдизлари, XX асрнинг ўрталарида Франциядаги анналлар мактаби вакиллари томонидан бу йўналиш алоҳида соҳа сифатида вужудга келганлиги ҳақида фикр юритилади. Бундан ташқари, XX асрнинг 80 йилларидан бошлаб Германияда ва дунёнинг бошқа давлатларида бу соҳанинг ривожланиши билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган. Шунингдек, XX асрнинг охири – XXI асрнинг бошларида Россияда, охирги йилларда Ўзбекистонда кундалик ҳаёт тарихи бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар таҳлил этилган.	кундалик ҳаёт тарихи, мактаби, структура, микротарих, қўйидан тарих, Тарихий антропология, ҳаётий тарих.	тарихининг ўрталарида Франциядаги анналлар мактаби вакиллари томонидан бу йўналиш алоҳида соҳа сифатида вужудга келганлиги ҳақида фикр юритилади. Бундан ташқари, XX асрнинг 80 йилларидан бошлаб Германияда ва дунёнинг бошқа давлатларида бу соҳанинг ривожланиши билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган. Шунингдек, XX асрнинг охири – XXI асрнинг бошларида Россияда, охирги йилларда Ўзбекистонда кундалик ҳаёт тарихи бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар таҳлил этилган.

EVERYDAY LIFE IN WORLD HISTORIOGRAPHY: FORMATION, OBJECT AND METHODS OF RESEARCH

S.B. Shadmanova

DSc, Professor,

Tashkent state university of oriental studies

Key words: history of everyday life, “Annals” school, everyday structure, microhistory, history from below, historical anthropology, life history.

Abstract: The author in referenced article had attempted to analyze the ways of formation the history of everyday life in world historiography to include fact that in France in the middle of XX century by efforts of representatives of the school of annals this area of history gained status of independent direction. In addition to this in article are considered the issues related to the development of this area of history in Germany and some other countries. Besides was conducted analysis of researches related to the history of everyday life in Russia at the End of XX – Beginning of XXI centuries, also works carried out in recent years in Uzbekistan.

ИСТОРИЯ ПОВСЕДНЕВНОСТИ: ФОРМИРОВАНИЕ, ЗАДАЧИ И МЕТОДЫ ИССЛЕДОВАНИЯ

С.Б. Шадманова

доктор исторических наук, профессор

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ключевые слова: история повседневности, школа «Анналов», бытовая структура, микроистория, история снизу, историческая антропология, история жизни

Аннотация: В данной статье говорится о путях формирования в мировой исторографии истории повседневности, в том числе о том, как во Франции в середине XX века усилиями представителей школы анналов это область истории получило статус самостоятельного направления. Помимо этого в статье рассмотрены вопросы, связанные с развитием этого направления истории в Германии и других странах мира. Помимо этого проведен анализ исследований по истории повседневности в России в конце XX – начале XXI вв., также работ, осуществленных в последние годы в Узбекистане.

Ўзбекистон тарих фани олдига қўйилаётган долзарб вазифаларни ҳал қилиш учун жаҳон тарихшунослигидаги янги йўналишларни ўрганиш мухимдир. Шундай янги йўналишлардан бири «кундалик ҳаёт тарихи» (everyday life history, Alltagsgeschichte, histoire de la vie quotidienne) йўналиши бўлиб, унинг предмети инсон кундалик ҳаётини турли тарихий-маданий, сиёсий, этник ва конфессионал контекстда ўрганишдир.

XX аср ўрталарида Фарб мамлакатлари ижтимоий тафаккурида “тарихий-антропологик ўзгариш” рўй бериши билан кундалик ҳаёт тарихи мустақил тадқиқот соҳаси сифатида шаклланди. Дастреб француз тадқиқотчилари кундалик ҳаёт тарихининг тарихий тадқиқотларга катта туртки бера олишини кўра билдилар. Айнан улар тарихнинг фақат сиёсий, иқтисодий, ҳарбий жиҳатларини эмас, балки тарихни бир бутунликда ҳамда инсоннинг бу жараёнларга муносабати масалаларини ўрганишни диққат марказга қўйдилар. Мазкур тарихий-антропологик ёндошув “Анналлар” журнали атрофида бирлашган машхур йўналиш вакиллари М. Блок, Л. Февр, Ф. Бродель¹ асарлари асосини ташкил этди. Уларнинг асарларида кундалик ҳаёт тарихи инсонлар ҳаёти макроконтекстининг бир қисми сифатида намоён бўлди. Жумладан, Ф.Бродель ҳар қандай жамиятнинг иқтисодида икки хил структурага эътибор беришни таклиф қиласди, булар моддий ҳаёт структураси ва инсон психологияси ҳамда кундалик амалиётни қамраб олган номоддий ҳаёт эди. У айнан номоддий ҳаётни “кундалик структура” деб атади. Ф.Бродель ва унинг сафдошлари глобал ижтимоий ўзгаришларни аниқлаш ҳамда даврлардаги воқеаларни таҳлил қилиш мақсадида катта даврларни тадқиқот учун танлайди. У бой қатламдаги аҳолининг маданияти оддий аҳоли томонидан қандай қабул қилганлигига катта эътибор беради. Шунингдек, унинг “Кундалик ҳаёт тузилиши” номли асари тарихий тадқиқотларнинг йўналишини ўзгартиришга катта туртки бўлди, яъни воқеликлар ёритилган сиёсий тарихдан, иқтисодий ривожланишнинг умумий қонуниятларини излашдан тарихий психология, тарихий демография, тарихий маданият сюжетларини таҳлилий равишда ўрганишга ўтишда ёрдам берди. Ф.Бродель “давр руҳини” тушуниш учун инсон онгини, психологиясини ва ижтимоий хулқ-авторини ўрганади.

“Қуйидан тарихни” яъни, давлатдан бошлаб инсонларни эмас, балки инсонларга қараб давлатни ўрганиш орқали ўтмишни тушуниш Ф.Бродель ва “микротарихчилар”²

¹ Бродель Ф. Структуры повседневности: Возможное и невозможное / Бродель Ф. Материальная цивилизация, экономика и капитализм, XV - XVIII вв. в 3-х т. - М., 1986. - Т.1. 621 с.

² Микротарих - машхур бўлмаган кишилар, у ёки бу ижтимоий қатламнинг одатий бўлмаган вакиллари ҳаётини ҳар томонлама ўрганиш орқали тарихий тадқиқотлар олиб бориш йўналишидир. 1950-1960

ёндошувининг умумий жиҳати эди. Бундай ёндашув “кичик инсонни” тарихий тадқиқотлар предметига айлантириди ҳамда нафақат машхур бўлмаган оддий инсонлар, балки қароқчилар, психопатлар, жодугарлар, анархистлар, ногиронлар, фоҳишалар, жиноятчилар тарихий тадқиқотлар марказида бўлиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Шунингдек, элиталарни ўрганиш усулларини ҳам ўзгартириди, яъни асосий эътибор машхур инсонлар ва уларга қарам бўлган кишилар кундалик ҳаёти ўртасидаги боғлиқлик жиҳатига қаратила бошлади.

Фернан Броделнинг сафдошлари “Анналлар” мактабининг вакиллари унинг тадқиқот усулларини янада ривожлантиришга ҳаракат қилишди. Ф.Броделнинг асарлари француз тарихшунослиги доирасидан чиқиб, жаҳон ўрта асрлар ва илк янги давр тарихи билан шуғулланувчи мутахассислар эътирофини қозонди.

Кейинчалик ушбу йўналишдаги тадқиқотлар Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам олиб борила бошлади. Жумладан, 1980-йилларда Ғарбий Германияда кундалик ҳаёт тарихи йўналиши юзага келади ва шу ўн йиллик охирида донғи чиққан йўналишга айланади. Уни ишлаб чиқиша Геттингенда жойлашган Макс Планк номидаги тарих институти профессори Альф Людтке катта ҳисса қўшди. У XIX – XX асрдаги Германия ишчиларининг тарихини ўрганганди.

Унинг фикрига кўра, кундалик ҳаёт тарихи индивиднинг шахсий тасаввурлари шаклланишини англай бошлашдан иборат. Ушбу ёндошувга кўра, жамиятнинг “ҳаракатлантирувчи кучи” бўлган инсон тарихнинг фаол субъекти сифатида кўрилади. Бу эса ўтмишни ўрганишдаги у ёки бу схемага асосланган, “буюк” одамлар фаолиятини тадқиқ этувчи тарихшунослик анъаналарига зид бўлиб, тарихда номсиз қолган “кичик”, “оддий” инсонларнинг ҳаётий муаммолари марказий ўринда туради. Тарихий жараёнлар иштирокчиларининг кўпчилигини ташкил қилган бу гуруҳнинг ижтимоий амалиёти тарихдаги ўзгариш ва узвийликни таъминлайди. Кундалик ҳаёт тарихи ижтимоий структуралар ва субъектларнинг амалиётдаги ўзаро алоқаларини ўрганишдаги методологик муаммоларни ечишга ёрдам беради.

Германияда “Alltagsgeschichte” мактабининг вакиллари³ бу йўналиш доирасидаги мавзуларни, ёндошувларни ишлаб чиқди. “Эски фан” танқидчилари Х.Медик⁴ ва А.Людтке тадқиқотчиларни инсонлар ва гуруҳлар “микротарихи”ни ўрганишга чорлайди. Шунинг учун Германияда кундалик ҳаёт тарихнинг иккинчи номи – “Geschichte von unten” – «қўйидан тарих», деб аталади.

А.Людтке кундалик тарихни ўрганишда асосий эътибор ҳаётда ўз ўрнини топганлар ёки ҳамма нарсадан маҳрумлар, тўқлар ёки очлар, инсонлар ўртасидаги бирдамлик ёки нифоқ, уларнинг руҳий кечинмалари, эсадаликларига қаратилиши керак, деб ҳисоблайди. Умуман олганда ушбу йўналиш таҳлилида асосан тарихда “изсиз кетган” кишиларнинг ҳаётий муаммолари марказий ўринда туради.

Ишларда “микро тарих” атамаси Ф.Бродель томонидан ишлатилган. Микро тарих 1970-йилларда Италияда вужудга келган. Бу борадаги дастлабки ишлар аввал “Quaderni Storici” номли журналда, кейинчалик Эйнауди нашриётида Карл Гинзбург ва Джованни Леви томонидан “Microistitutie” номли серияда чоп этилган.

³ Ullrich V. Spuren im Alltag. «Barfusshistoriker» — woher sie kommen und was sie wollen // Die Zeit. 1981. 2. Nov.; Ullrich V. Entdeckungsreise in den historischen Alltag // Geschichte in Wissenschaft und Unterricht. 1985. N. 6.; Geschichte von unten: Fragestellungen, Methoden und Projekte einer Geschichte des Alltags / Hrsg von H. Ehalt. Wien, Köln, Graz, 1984; Людтке А. Что такое история повседневности? Ее достижения и перспективы в Германии // Социальная история. Ежегодник, 1998/99. М., 1999; Людтке А. «История повседневности» в Германии после 1989 года // Казус. 1999. М., 1999. С. 117-131; Fieseler B. Frauen auf dem Weg in die russische Sozialdemokratie, 1890-1917. Eine kollektive Biographie (= Quellen und Studien zur Geschichte des östlichen Europa. Hg. Helmut Altrichter), Stuttgart 1995; "Arme Sieger". Die Invaliden des "Großen Vaterländischen Krieges" der Sowjetunion, 1941-1991, Köln-Weimar-Wien 2013. Schloegel K. Kommunalka – der Kommunismus als Lebensform. Zu einer historischen Topographie der Sowjetunion // Historische Anthropologie. Kultur. Gesellschaft. Alltag. 1998. S. 329-346.

⁴ Medick H. Quo vadis Historische Anthropologie? Geschichtsforschung zwischen Historischer Kulturswissenschaft und Mikro-Historie / H.Medick // Historische Anthropologie. - 2001. - № 9.

Бундан ташқари, XX аср охири – XXI аср бошларида аҳолининг кундалик тарихига оид қатор инглиз тилица ҳам тадқиқотлар эълон қилинди. С.Коткин 1930 йилларда Россиядаги Магнитогорск металлургия комбинатининг курилиши ва фаолияти мисолида жамият ҳаётидаги ўзгаришларни кўрсатиб берган. Муаллиф ўз олдига кишилар орасидаги ўзаро муносабатларни, биринчи навбатда, ўша давр учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган меҳнат интизоми, давр сиёсатига содиқлик тўғрисидаги тушунчаларни реконструкция қилишни мақсад қилиб қўйган. Шунингдек, Ш. Фицпатрик 1930-йиллардаги совет шаҳарлари ҳаётига оид масалаларни тадқиқ этган. Ушбу муаллиф кишиларнинг «фавқулодда ҳолат, яъни қатағон йилларида ўзига хос омон қолиш стратегиясини очиб берган. Фицпатрикни биринчи ўринда инсон ва давлат ўртасидаги муносабатлар қизиқтирган, чунки совет кишиларининг бутун умри давлат ташкилотлари измида бўлган, давлат ҳам иш берувчи, ҳам маҳсулотлар ва ижтимоий хизматлар таъминловчиси эди⁵.

Фарб мамлакатларида чоп этилган илмий адабиётлар, XX аср 80-йиллар ўрталаридан бошлаб Россияда тарихий тадқиқотларда “кундалик ҳаёт” тушунчаси ишлатила бошланишига сабаб бўлди. Дастреб кундалик ҳаёт тарихини медиевистлар ва хотин-қизлар масаласи билан шуғулланувчи мутахассислар ўргана бошлади. Ю.Л.Бессмертный ва А.Я.Гуревич бошчилигига Россия Фанлар Академияси тизимидағи ижтимоий фан институтларида кундалик ҳаёт тарихи бўйича тадқиқот олиб борувчи ишчи гуруҳи тузилди. Улар томонидан «Одиссей» номли альманах ва «Казус» номли йилнома чиқарила бошланди.

Россияда охирги ўн йилликларда мазкур йўналишни ривожлантириш бўйича катта ишлар қилинмоқда. Жумладан, 2002 йил апрелида Россия Фанлар Академияси Илмий кенгаши «Кундалик ҳаётда инсон: ўтмиш ва ҳозирги замон» номли дастур ишлаб чиқди. Кенгаш аъзолари Ю.А.Поляков ва В.Б.Жиромская ҳаётнинг ўзи каби инсон умри чексиз ва турли-туман муаммоларга бой, шунинг учун инсон кундалик ҳаётини ўрганиш комплекс ёндошувни талаб қиласди, деган фикрни илгари сурдилар⁶. Н. Б. Лебина ва А.Н.Чистиков тадқиқотлари янги иқтисодий сиёсат ва “илиқлик” давридаги жараёнларнинг оддий инсонлар томонидан қабул қилиниши масалаларига қаратилган. Мазкур китобда уй-жой, кийим-кечак, дам олиш соҳаларидағи янгиликлар қандай рўй берганлиги таҳлил этилган⁷. Бундан ташқари, хотин-қизлар кундалик ҳаётини ўрганишга ҳам катта эътибор берилган⁸.

⁵ Kotkin S. Magnetic Mountain: Stalinism as a Civilization, University of California Press, 1995; Бодрийяр Ж. Система вещей / Пер. с франц. М., 2001; Бойм С. Общие места. Мифология повседневной жизни. М., 2003; Фицпатрик Ш. Повседневный сталинизм. Социальная история Советской России в 30-е годы: город / Пер. с англ. М.: РОССПЭН, 2001. 336 с.

⁶ Брусиловская Л.Б. Культура повседневности в эпоху “Оттепели”: Метаморфозы стиля. М.: Изд-во УРАО, 2001. 188 с.; Жиромская В.Б. Советский город в 1921-1925 гг.: проблемы социальной структуры. Отв. ред. Ю. А. Поляков. М., 1998. 166 с.; Журавлев С.В. «Маленькие люди» и «большая история». Иностранцы московского Электрозводства в советском обществе 1920-1930-х гг. М.: РОССПЭН, 2000. 453 с.; Журавлев С.В., Мухин М.Ю. «Крепость социализма»: Повседневность и мотивация труда на советском предприятии, 1918-1938. М.: РОССПЭН, 2004. 240 с.; Каганский В.Л. Культурный ландшафт и советское обитаемое пространство. М.: НЛО, 2001. 574 с.; Нарский И.В. Жизнь в катастрофе: Будни населения Урала в 1917-1922 гг. М.: РОССПЭН, 2001. 632 с.; Осокина Е.А. За фасадом “сталинского изобилия”: Распределение и рынок в снабжении населения в годы индустриализации. 1927-1941. М.: РОССПЭН, 1997. 271 с.

⁷ Лебина Н.Б., Чистиков А. Н. Обыватель и реформы. Картины повседневной жизни горожан в годы нэпа и хрущевского десятилетия. СПб., 2003.

⁸ Женская повседневность в России в XVIII-XX вв.: Материалы международной научной конференции. 25 сентября 2003 года. - Тамбов, 2003. Пушкарева Н.Л. Частная жизнь и проблема повседневности // Демоскоп weekly. 2002. № 57/58. С.4-5; Ее же. Частная жизнь и повседневность глазами историка // Шмидт С.О. (ред.) Города европейской России конца XV – первой половины XIX в. Ч.1. Тверь, 2002. С.49-63; Ее же. История частной жизни и история повседневности: содержание и соотношение понятий // Социальная история. 2004. М., 2005.

Умуман олганда жаҳон тарихшунослигида қундалик ҳаёт йўналишида инсонларнинг шахсий ва уй ҳаёти ҳамда турмуш тарзи, инсонларнинг жамиятдаги воқеликка мослашуви йўллари, воқеа ва ҳодисаларнинг эмоционал томони, кишилар ва инсонлар гурухининг одатдаги турмуш тарзи билан боғлиқ кечинмалар каби масалаларга алоҳида эътибор берилади.

Германия тарихшунослигида такрорланувчи, одатий ҳол одатий бўлмаган ёки ноёб ҳолатга қарши қўйилади. Бундай ёндошув қундалик ҳаётни “омма ҳаёти” сифатида “оддий бўлмаган, ноёб шахслар ҳаётига” қарши қўяди. Бу эса “қундалик ҳаёт тарихи”нинг немисча вариантини келтириб чиқарди, унда “қундалик ҳаёт тарихи” оддий, кўз илғамас, ўз даври ва ўз ижтимоий қатламининг типик вакили микротарихи сифатида тавсифлаш мумкин. Қундалик ҳаётга «оппозиция» сифатида немис олимлари байрамларни ва «экстремал ҳолатларни»ни кўрсатади, улар ҳам маълум бир шароитда одатий ҳолга, қундалик ҳаётга айланиши мумкин. Шунингдек, улар таълим олиш, меҳнат фаолияти, дам олишни қундалик ҳаётга киритади.

“Кундалик ҳаёт тарихи”ни микротарих сифатида тушунгандиклари туфайли ушбу йўналиш бўйича мутахассиларни университет ва илмий марказлардаги лавозимлар конкурсида қатнашишига тўсқинлик қилина бошлади. Натижада Германияда расмий йўналишга қарши параллел “тарихчилар устахонаси” ва маҳсус журналлар вужудга келди. Бунга мисол қилиб «Тарихий антропология» журналини айтиш мумкин, шунингдек, Геттингенда «take history in our hands» шиори остида бирлашган тарихчилар ва оддий фуқаролар фаол иш олиб боришиди.

Россияда қундалик ҳаёт тарихи билан шуғулланувчи тадқиқотчилар этнографлар ва XIX асрдаги «турмуш тарзини ёзувчиларидан» кўп нарса олдилар. Уларнинг асосий қизиқишилари этнографик мавзулар – уй-жой ва унинг қурилиши, овқатланиш тизими, кийим-кечаклар ва бошқаларга қаратилган эди. Этнографларнинг бевосита кузатиш усулидан фойдаланиш тарихчиларга инсонлар ҳаётининг тарихий хужжатларда учрамайдиган томонларини тушуниш имконини берди.

Умуман олганда, этнографик тадқиқотлардан фарқли равища қундалик ҳаётни ўрганиш воқеалар аҳамиятини тушуниш, сиёсий воқеаларга турли индивидуал муносабатларни кўрсатишга ҳаракат қилинади.

Моддий маданиятни тадқиқ этувчи этнограф мутахассислар «майдада нарсаларни» таҳлил қиласи, ҳунармандчилик қуроллари, маҳсулоти ва хом ашё каби моддий предмет тавсифи ўрганади. Қундалик ҳаёт эса унга инсонларнинг муносабатини ёритишни мақсад қиласи. Турмушдаги деталлар тадқиқотчига “давр рухини” англашга ёрдам беради, инсоннинг шахсий ҳаёти билан тарихий воқеликларни уйғунилқда кўриш имконини беради.

Охирги йилларда Ўзбекистонда ҳам қундалик ҳаёт тарихи бўйича тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 1925–1991 йилларда Ўзбекистонда майший хизмат тизимининг аҳоли қундалик турмушидаги ўрнини тизимли равища очиб беришга қаратилган Бунёдбек Носировнинг тадқиқотида аҳолининг қундалик ҳаётида муҳим ўрин тутган майший хизмат тизимида пойабзалларни таъмирлаш, фотосуратхоналар, ҳаммоллар, кир ювиш пунктлари ҳамда сартарошхоналар фаолияти, уларнинг муаммолари, хизмат кўрсатишда анъанавийлик ва янгиликлар уйғунлаги каби масалалар таҳлил этилган⁹.

Элёрбек Тажимираевнинг тадқиқотида 1960–1980-йилларда Фарғона водийси қишлоқ аҳолисининг қундалик ҳаёти тарихи масалалари таҳлил қилинган бўлиб, унда 1960–1980-йилларда Фарғона водийси қишлоқ аҳолисининг уй-жой билан таъминланиш ҳолати, бу борадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, совет даврида қишлоқ жойларда

⁹ Носиров Б. Ўзбекистон аҳолисининг қундалик ҳаётида майший хизмат тизимининг ўрни (1925–1991 йиллар). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси. – Тошкент, 2018. – 152 б.

йўллар қурилиши, ичимлик суви, газ, электр тармоқлари ҳамда алоқа воситалари таъминотида юз берган ўзгаришлар ва бу жараёнларнинг аҳоли кундалик ҳаётига таъсирини очиб бериш, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари қишлоқ аҳолисининг даромадлари, даромад манбалари ҳамда сарф-харажатлари мазмунини аҳоли ижтимоий-иктисодий шароитларини тадқиқ этиш орқали кўрсатиб бериш, қишлоқ аҳолиси турмуш тарзи ва кундалик маданиятидаги ўзгаришларнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, аҳолига ижтимоий-маший хизмат кўрсатиш тизими ва унинг қишлоқ жойларидағи аҳволини ёритиш, Фарғона водийси қишлоқ аҳолисига савдо ва умумий овқатланиш хизматлари кўрсатилиши масалаларини очиб бериш, совет даврида қишлоқ экологияси, соғлиқни сақлаш, таълим, аҳоли бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш масалаларини ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган¹⁰. Шунингдек, тадқиқотчи Наргизахон Шарипова 1966-1991 йилларда Фарғона водийси ўқитувчиларининг кундалик ҳаёти тарихини ўрганиб, Ўзбекистонда ўқитувчи-кадрлар тайёрлаш тизимидағи ўзгаришлар, Фарғона водийси ўқитувчиларининг иктисодий таъминланганлик кўрсаткичлари динамикаси, моддий етишмовчиликни бартараф этиш мақсадида қўшимча даромад олиш усуллари, тураг-жой билан таъминланиш ва дам олиш учун яратилган имкониятлардан фойдаланиш масалаларига доир илмий хуносаларга келинди¹¹.

Кундалик ҳаёт тарихини тадқиқ этиш усуллари. Мазкур йўналишнинг тарихий манбаларга бўлган муносабати ўзига хосдир. «Кундалик ҳаёт тарихи» билан шуғулланувчи мутахассислар тарихий манбаларда келтирилган фикрларнинг ички маъносини англаб етишга, айтилмаган жиҳатларини илғаб олишга уринадилар. Улар тарихий воқеалар иштирокчиларининг ҳатти-ҳаракатини асослашга ва уларни тушунишга ҳаракат қиласиди. Шу билан бирга кундалик ҳаёт тарихи билан шуғулланувчи тадқиқотчилар ҳаққоний судья ролини бажаришдан бош тортадилар. Бунинг ўрнига манбалар билан «диалог» ўрнатишга ҳаракат қиласидилар, шунинг учун матнга саволлар беради.

XX аср кундалик ҳаёти тарихини ўрганаётган мутахассис оғзаки тарих усулларига мурожаат қилиш имкониятига эга. “Ҳаётий тарих”ни тўплаш ва ёзиб олиш, турли хил интервью олиш фақат оддий материал тўплаш эмас, балки кўп ҳолларда “иккиламчи” манба турини яратиш имконини беради. Совет тарихшунослигида, асосан иккинчи жаҳон уруши тарихини ўрганишда эсадаликларга манба сифатида мурожаат қилинган. Охирги 20 йилларда Россия тарихшунослигида оғзаки тарих усуллари кундалик ҳаёт тарихида кенг қўлланилмоқда. Унда психолог ва социологлар томонидан ишлаб чиқилган автобиографик матнлар билан ишлаш усули фойдалидир. Хусусан, шундай усуллардан бири “эркин ҳикоя”дир, интервью олувчи интервью берувчидан ҳеч бир аҳамиятли жиҳатларни қолдирмасдан ўзи ҳақида ва ўз ҳаёти ҳақида сўзлаб беришни сўрайди. Мавзуларнинг ва ҳаётий коллизияларнинг (қарама-қарши фикрлар ва манфаатлар) такрорланиши таққосланади, бу эса хуносалар қилишга ёрдам беради.

“Ўтмишга савол бериш” имконига эга бўлмаган тадқиқотчилар анъанавий манбалар билан ишлайдилар, лекин аввало шахсий характердаги манбаларга мурожаат қиласидилар. Қадимги давр, Ўрта асрлар ва илк Янги давр тарихи билан шуғулланувчи тадқиқотчиларда эса хатлар, кундаликлар, эсадаликлардан фойдаланиш имконияти мавжуд.

Этнография ва социологияда қўлланиладиган кузатиш усулидан фойдаланганда тадқиқотчи бир пайтнинг ўзида маълумот тўплайди ва муаллифни кузатади. Бу ҳолда тадқиқотчи мазкур инсоннинг ушбу матнни ёзиш вақтида неча ёшда бўлганлиги, оилавий шароити, психологик кайфияти қандай бўлганлигини ҳисобга олади. Жамоани фикри

¹⁰ Тажимиризаев Э.А. XX асрнинг 60–80-йилларида Фарғона водийси қишлоқлари аҳолисининг кундалик ҳаёти. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси. – Андижон, 2020. – 156 б.

¹¹ Шарипова Н. XX асрнинг 60-80-йилларида Ўзбекистон ўқитувчиларининг кундалик ҳаёти (Андижон, Наманган, Фарғона областлари мисолида). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси. – Андижон, 2023. – 141 б.

масалан, бирор-бир муҳим форумнинг стенограммасини залнинг реакциясини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилинади.

Инсонлар хурсандчиликлари ва қайғулари, орзу ва умидлари тарихий манбаларда аксарият ҳолларда тасодифий из қолдирган, холос. Шунинг учун ҳам турмуш деталлари ва аломатларини аниқлаш учун матбуот материаллари, расмлардан фойдаланиш мумкин. Кундалик турмушдаги фарқларни яхши англаши мумкин бўлган хорижликлар гувоҳликларини ҳам тадқиқотларга жалб қилиш мумкин.

Натижада тарихчи микротарихий изланишларини ўзаро боғлиқ бир тизимга солиши лозим, шундагина майда элементлар катта саволларга жавоб бера олади. Кундалик ҳаёт тарихини танқид қилувчи мутахассислар тарихий жараёнларни яхлит бир картинага айлантириш мураккаблигини таъкидлашади. Бунинг йўли социологларга яхши маълум. Тўпланган бир хил турдаги манбалардан (суд жараёни ёзувлари ёки автобиографиялар, тарғибот рисолалари) матн қисмлари ажратиб олинади, улар тизимга солинади ва маълумотнинг такрорланиши нуқтаи назаридан таҳлил этилади.

Хулоса қилиб таъкидлаш лозимки, жаҳон тарихшунослигига кундалик ҳаёт тарихининг шаклланиши чуқур илдизга эга бўлиб, XX асрнинг ўрталарида Франциядаги анналлар мактаби вакиллари бу йўналишнинг алоҳида соҳа сифатида вужудга келишига катта ҳисса қўшди. XX асрнинг 80 йилларидан бошлаб Германияда ва дунёнинг бошқа давлатларида кундалик ҳаёт тарихи ривожлантирилиб, қатор тадқиқотлар яратилди. Шунингдек, XX асрнинг охири – XXI асрнинг бошларида Россияда ҳам кундалик ҳаёт тарихи бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда ҳамда Ўзбекистон тарихшунослигига бу йўналишни ривожлантириш тарих фанининг қатор муаммоларини ечишга катта ёрдам беради.